



Ташкент Оқшом

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган


ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 96 (11.657)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ

БИР КУНИ



Қўшма корхоналарда

МУСТАҲКАМ ВА ЧИДАМЛИ МАҲСУЛОТЛАР

Корхоналарни техник ва технологик қайта жиҳозлаш, модернизация қилиш ишларига қаратилган эътибор маҳсулот турларини кўпайтириш, рақобатбардошлигини ошириш, хорижий харидорларни ҳам жалб этиб, экспортни йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу борада германиялик ҳамкорлар билан шерикликда республикамизда биринчилардан бўлиб импорт ўрнини босувчи металл черепицалар тайёрлашни йўлга қўйган «Tezintom Ltd» қўшма корхонасида ҳам изчил ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда замон талабига мос черепицалар қаторига яна бир қатор маҳсулот турлари қўшилди.

Корхонада айна пайтда олти та цех ишлаб турибди. Ўтган йилда янги технологик линия қуввати ишга солинган ҳолда пластик эшик ва ромлар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Бу ерда шунингдек профили томпкич, деворлар учун ашёлар, тобланган металлдан панжара ва дарвозалар, лок-бўёқлар, кўплаб рўзгор буюмлари ишлаб чиқарилмоқда.

Ўтган йиллар давомида ишчи ўринлари ҳам кўпайиб, ҳозирда 100 нафардан зиёдга етди. Уларнинг кўпчилиги ўз тажрибасига эга мутахассислар бўлиб, Германия ва Голландияда малакасини оширган.

Шу ўринда ишлаб чиқарилаётган металл черепицаларнинг ўзига хос дизайни, хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтиш лозим. Улар замонавий биноларга жозиба ва кўркамлик бахш этиши баробарида иқлим шароитига мослиги, мустаҳкам ва чидамлилиги билан ажралиб туради, хизмат кўрсатиш муддати 30-50 йилни ташкил этади.

Ишчи-хизматчиларга меҳнатларига яраша қулайликлар яратилган бўлиб, бу иш сифати ва суръатида ижобий самара бермоқда.

Республикамизда фаолият кўрсатаётган кўплаб қурилиш ташкилотлари ва фирмалар асосий буюртмачилар сирасига киради. Албатта, бундай буюртмаларни тез ва соз бажариш, маҳсулотларни вақтида етказиб бериш корхона муваффақиятини таъминлашда, нуфузини оширишда катта аҳамиятга эга.

Бугуннинг талаби билан ишлаётган «Tezintom»чилар буни дилдан ҳис этади.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТДА: корхона фаолиятдан лавҳа

Ушбу тадбирлар давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 1 декабрда қабул қилинган «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чўқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 16 апрелдаги иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашнинг таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш дастури тўғрисидаги қарорига мувофиқ ўтказилмоқда.

Юртбошимиз Ислам Каримов ташаббуси билан иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини таркибий ўзгартириш, модернизациялаш, техник ва технологик янгиланиш фаол давом эттириш, асосан қишлоқ жойларда

Ташкент ахборот технологиялари университетида «BestSoft-Uzbekistan-2010» дастурий маҳсулотлар йиллик миллий кўرғазмаси очилди.

ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТЛАР КЎРҒАЗМАСИ

Кўрғазма Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюشمаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ҳамда БМТ Тараққиёт дастурининг «АКТ сиёсати» (ICTP) лойиҳаси кўмагида ташкил этилди.

Кўрғазманинг очилишида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори Х.Муҳиддинов Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ушбу соҳада кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 8 июлда қабул қилинган «Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори жамиятда ахборот маконини яратишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда дастурий маҳсулотлар тайёрлаш, ишлаб чиқариш ва уларни амалиётга татбиқ этиш билан шуғулланадиган 225 субъект фаолият юритмоқда. Мазкур кўрғазмада юртимиз софтвер саноатининг энг долзарб ва муваффақиятли лойиҳалари намойиш этилмоқда. Унда кейинги йилларда маҳаллий дастурий

таъминот бозорини янада ривожлантиришда катта ютуқларга эришган 70 дан ортиқ компания қатнашмоқда. Ўзбекистон компаниялари ўзларининг бир қатор ишланмаларига эга бўлиб, дастурий маҳсулотларни яратиш бўйича дунёдаги таниқли етакчи компаниялар билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Мамлакатимизнинг қатор олий ўқув юртрларида дастурчилар тайёрланмоқда. Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази ана шу мақсадда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда самарали фаолият юритмоқда.

«BestSoft-Uzbekistan-2010» кўрғазмаси кенг оммани ва ахборот технологиялари мутахассисларини юртимиздаги дастурий таъминот соҳасида лойиҳалар яратиш ҳамда уларни имплементациялаш амалиёти билан таништиради. Бу ерда мамлакатимиз софтвер саноати ютуқлари ва истиқболи намойиш этилмоқда.

Кўрғазмада халқаро ва миллий IT-компанияларнинг дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилари, контент-ишлаб чиқувчилар, провайдерлар, илмий ва таълим институтлари, вазирлик ва идоралар вакиллари қатнашмоқда. Форумга кўплаб етакчи хорижий компаниялар вакиллари ташриф бурди.

(Давоми 2-бетда).

САНОАТ КООПЕРАЦИЯСИНING УЛКАН ИМКОНИАТЛАРИ



Жорий йилнинг 1 июнидан 8 июлига қадар пойтахтимизда анъанавий Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржанинг дастлабки босқичи – саноат тармоқ ярмаркалари бўлиб ўтади.

Ушбу тадбирлар давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 1 декабрда қабул қилинган «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чўқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 16 апрелдаги иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашнинг таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш дастури тўғрисидаги қарорига мувофиқ ўтказилмоқда.

Юртбошимиз Ислам Каримов ташаббуси билан иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини таркибий ўзгартириш, модернизациялаш, техник ва технологик янгиланиш фаол давом эттириш, асосан қишлоқ жойларда

ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали замонавий, диверсификацияланган ва рақобатбардош иқтисодиётни яратиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар иқтисодий ривожланишининг барқарор юқори суръатларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ташкил этиладиган ярмаркаларда, деб хабар беради ЎзА, мамлакатимиз саноатининг етакчи тармоқлари ва кичик бизнес корхоналари ўз маҳсулотларини ишлаб чиқариш секторлари бўйича намойиш этади.

ЎзэкспоМарказ павильонларида 1 июндан 3 июнга қадар машинасозлик, электротехника ва авиация саноати, маҳсу-

лотларни стандарташтириш мажмуи корхоналарининг маҳсулот ва буюмлари кўрғазмага қўйилади. Кейинги кунларда эса таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий соҳалар ҳамда ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекслари ўз маҳсулотларини намойиш қилади. Сўнгра ярмаркага ташриф буюрувчилар ёқилги-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати, геология маҳсулотлари билан танишадилар. Намойишларни коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш саноати комплекслари, шунингдек, қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи, истеъмол товарлари, иқтисодиёт ва таълим иқтисодий алоқалар масалалари бўйича комплекслар яқунлайди.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Навоий шаҳрида «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди. «Камолот» ЁИХ ҳамда бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари ўзаро беллашдилар. Танлов якунида Сирдарё вилояти ёш ҳуқуқшунослари биринчи ўринга лойиқ деб топилди.

• Ташкентда Марказий Осиёда худудий иқтисодий тараққиёт мавзусига бағишланган халқаро анжуман иш бошлади. Республика Савдо-саноат палатаси, Логистикани ривожлантириш ассоциацияси ҳамда Ташкент Автомобиль-ўйлар институти ҳамкорлигида ташкил этилган илмий-амалий анжуманда мамлакатимиздаги соҳа мутахассислари, олимлар ва хорижий мутахассислар иштирок этмоқда.

• Ромитан туманида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Жаннат плюс макс» хусусий корхонаси иш бошлади. Ҳозирда бу ерда чармдан ойига ўртача 20 миллион сўмлик 15 турдаги импорт ўрнини босувчи сифатли кийим-кечаклар ишлаб чиқарилмоқда. Айна пайтда корхонада маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётган маҳсулотлар турини 25 тага етказиш борасида кенг қўламли ишлар бошлаб юборилди.

• Жорий йилда Сирдарё вилоятидаги умумтаълим мактабларининг тўққизинчи синфини 16 мингдан ортиқ ўқувчи битиради. Болалар таълими тўртта академик лицей ва 47 та касб-хунар коллежларида давом эттириладилар. Мактаблар битирувчилари учун «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши, халқ таълими ва ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармалари томонидан касблар фестивали ташкил этилди. Унда ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ўрта махсус касб-хунар таълими ўқув муассасалари фаолияти билан яқиндан танишдилар.

• Жомбой тумани марказий стадионида миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари фестивалининг Самарқанд вилоят босқичи бўлиб ўтди. Баркамол авлод йиллига бағишлаб ўтказилган ушбу фестивалда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан келган жамоалар «Бўрон», «Минди», «Қирқтош», «Арқон тортиш» каби халқ ўйинлари бўйича куч синашдилар.

ЖАҲОНДА

• БМТ Хавфсизлик Кенгаши Эроннинг ядро дастурига нисбатан АҚШ томонидан тайёрланган янги санкциялар ўрин олган резолюция лойиҳасини кўриб чиқмоқда. Маълумотларга кўра БМТ Хавфсизлик Кенгаши аъзолари ушбу санкцияларни кўриб чиқиш, маъқуллаган.

• Греция Европа Иттифоқидан мамлакат иқтисодиётини барқарорлаштириш юзасидан 14,5 миллиард долларлик дастлабки кредит траншини олди.

• Мексика кўрғазми тагидан отилиб чиқаётган нефть кучли сув оқимлари орқали Флориданинг чўмилиш ҳавзаларига яқинлашиб қолди. Ҳозирда денгиз тубидаги нефть платформасига уланган 1,5 километрлик қувур орқали кунига 1500-2000 баррел, яъни 40 фоиз нефть танкерга ўтказилмоқда.

• Буюк Британияда вулқондан отилаётган кул натижасида авиапарвозлардаги узилтишларни кескин камайтиришга имкон яратувчи парвозларнинг янги хавфсизлик қоидалари тасдиқланди.

• Кеча Афғонистоннинг Баграм авиация базасида ҳукумат қўшинлари ва НАТО ҳарбийларининг хужуми натижасида етти та жангари ҳаётдан кўз юмди.

• Кеча Франциянинг Париж, Бордо, Тулуза, Марсел ва Лион шаҳарларида ҳамшираларнинг умумий иш ташлашлари бўлиб ўтди.

• Яман суди ўтган йилнинг апрель ойида ушбу мамлакатга тегишли танкерни ўғирлагани ва унинг экипажининг икки аъзосини ўлдиргани учун олти нафар Сомали қароқчиларини ўлим жазосига ҳукм қилди. Яна олти нафар қароқчи ўн йилдан қамоқ жазосини ўтайдиган бўлди.

• Бир неча кундан буён тинимсиз ёғайтган ёмғир Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида кучли сув тошқинларини келтириб чиқарди. Тошқинлар олти кишининг ҳаётига зомин бўлди. Айниса, Польша, Чехия, Венгрия, Сербия ва Словакияда аҳвол оғир.

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

Ташкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Ташкент Халқаро Вестминстер университетида ташкил этилган «Очиқ эшиклар куни»да ўрта махсус таълим муассасалари битирувчилари ва ота-оналар иштирок этди.

✓ **КЕЧА** Абу Райхон Беруний номидаги Ташкент Давлат техника университетида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуман «Фан-техника тараққиётида хотин-қизларнинг ўрни» деб номланди.

✓ **КЕЧА** Шайхонтоҳур туманида хотин-қизлар қўмитаси томонидан ФХДБ бўлими билан ҳамкорликда «Оила — муқаддас Ватан» мавзусида уюштирилган тадбир доирасида «Ёш оила қурувчилар» мактаби тинловчиларига сертификатлар топширилди.

✓ **САЛОМАТЛИК** ва тиббий статистика институти филиалида Халқаро оила кунига бағишлаб «Соғлом оила — юрт таяничи» мавзусида ўқувчилар ўртасида деворий газеталар кўрик-танлови ўтказилди.

Кейинги йилларда оила, оналик ва болаликни ҳар жиҳатдан муҳофаза қилишга катта эътибор қаратилаётир. Бу борада Мудофаа вазирлиги томонидан ҳам ҳарбий оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Кўни кеча Марказий офицерлар саройида бўлиб ўтган «Намунали ҳарбий оила» кўрик-танлови Мудофаа вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган навбатдаги тадбирлардан бири бўлди.

Ахил, соғлом оилаларни шакллантириш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан биридир. Бу борада зиммаимиздаги масъулиятни ҳис этган ҳолда тегишли ишларни амалга ошириб келаётимиз, — дейди вазирлик бўлими мутахассиси Хилола Хамроева. — Оила аталмиш кичик бу бўстонда келажак авлод воёга етади. Иноқ, мустақам оила фарзандлари эса юрт қорига ярайдиган инсонлар бўлиб етишади. Мазкур танлов эса ҳарбий хизматчиларнинг оилалари ўртасида миллий қадриятлар, урф-одатлар, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, фарзандларни ҳар томон-

Танловлар

ЭНГ НАМУНАЛИ ҲАРБИЙ ОИЛА

Энг гўзал инсоний туйғулар оилада шаклланади, сайқал топади. Юрт равнақи, мамлакат ривожига оилаларнинг ўрни беқиёс.

лама комил инсон қилиб воёга етказиш каби хайрли мақсадлар йўлида ташкил этиб келинмоқда. Якуний босқичда Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм ва муассасалари бўйича ўтказилган дастлабки босқичларда ғолиб чиққан 12 та оила иштирок этди. Саломлашув, саҳна кўриниши, билимдонлар баҳси каби шартлар бўйича беллашганларнинг билими ва маҳоратини баҳолашда томошабинлар эътирофи ҳам инобатга олинди. Шартларни пухта бажаришга, бор имконият ва билимини намойиш этишга ҳаракат қилган Алишер Ражабов оиласи биринчи ўринни кўлга киритди. Иккинчи ўринга

Ўлмас Очилов ва учинчи ўринга Улуғбек Худойбергеновлар оиласи муносиб деб топилди.

Ғолибларга ташкилотчилар томонидан ёриқлар ва эсдалик совғалари топширилди.

Тадбир давомида Қуролли Қучлар марказий ашула ва рақс ансамбли санъаткорлари томонидан ижро этилган дилбар куй ва қўшиқлар барчага хуш кайфият бағишлади.

Шахноза МИРПҮЛОВА СУРАТЛАРДА: «Намунали ҳарбий оила» кўрик-танловининг республика босқичидан лавҳалар Козим Ўлмасов олган суратлар



Иқтисодиёт

ЯНГИ МОДЕЛДАГИ ЛИБОСЛАР

Замон талабларидан келиб чиққан ҳолда иш юритиб, корхоналарни модернизация қилиш, техникалар қувватидан самарали фойдаланиш, илғор технологияларни қўллаш иқтисодиётимиз ривожига муҳим ҳисса қўшмоқда. Бу борада айниқса маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқарилаётган рақобатбардош маҳсулотларнинг улуши ошиб бораётгани катта аҳамият касб этмоқда.

Юнусобод туманида фаолият юритаётган «Тадбир» масъулияти чекланган жамиятида айни кунларда 20 нафар малакали ишчи-хизматчи томонидан 25 хилга яқин эркаклар ва болалар трикотаж кийимлари дизайни устида кизгин иш олиб борилмоқда.

Япониядан келтирилган тикув машиналарида тайёрланаётган маҳсулотлар пойтахтимиз савдо шохобчалари ва бозорларида харидорини топмоқда. Келгусида корхона қошида фирма дўконини очиб режалаштирилган. Буюртмаларнинг кўпайиб бораётгани ишлаб чиқаришни кенгайтиришни тақозо қилмоқда. Шу боис жорий йил охиригача Россия ва Япониядан қўшимча ускуна ва дастгоҳлар келтирилиб, танлов асосида чевар хотин-қизлар учун янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган.

ЭЛ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Юртимизда бошқа йўналишларда бўлган каби соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг бу борада импорт ўрнини босувчи доридармонлар тайёрлашни ўзлаштириши ҳам замонавий тиббий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштиришига муносиб ҳисса бўлмоқда.

«Соғлом юрак» масъулияти чекланган жамияти ҳам бу борада самарали фаолият юритаётган корхоналар қаторига кириди. Мазкур корхонада асосан юрак фаолиятини яхшилашга оид дори-дармонлар, жумладан, нитроглицерин ишлаб чиқилади.

— Эл соғлиғи йўлида замон талабларидан келиб чиққан ҳолда импорт ўрнини босувчи дори-дармонлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришни эзгу мақсад қилганмиз, — дейди жамият бошқаруви раиси Сергей Горбачев. — Бу борада мутахассисларимиз асосий ҳамкорларимиз бўлган фармацевтика соҳасининг етакчи олимлари бирга доимий изланишда. Кўплаб кўргазмаларда, кооперация биржаларида катнашиш асосида Марказий Осиё давлатлари томонидан дори-дармонларимизга қизиқиш билдирилаётир, ҳамкорликда янги-янги лойиҳалар тузилмоқда.

Келгусида корхонани кенгайтириб, йирик фармацевтик завод қуриш, ўз навбатида, кўплаб янги иш ўринларини яратиш ҳам кўзда тутилган.

Жамшид АБДУЛЛАЕВ

«MAFTUS» МАФТУН ЭТМОҚДА

Кичик ва хусусий бизнес субъектлари учун давлатимиз томонидан яратилаётган қулай имкониятлар, ҳуқуқий ҳимоя туяғили уларнинг изчил фаолият юритиши таъминланмоқда, ички бозорда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг қатори кенгайиб бормоқда.

— Мустақиллик шарофати билан юртимизда бунёдкорлик ишлари кенг қулоч ёзди, — дейди «Maftus» хусусий фирмаси раҳбари Сухроб Йўлдошев. — Тадбиркорликка кенг йўл очилди, ҳар жиҳатдан шарт-шароитлар яратилаётгани натижада ўлароқ иқтисодий юксалишга эришилаётир, десак муболаға бўлмайди. Корхонамиз мисолида айтадиган бўлсам, янгиликка қўл урган ҳолда деворий гул қоғозлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Бу маҳсулот аввал фақат хориздан келтирилган бўлса, эндиликда ички имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда ўзимизда тайёрланмоқда.

Импорт ўрнини босувчи ушбу маҳсулотлар харидор талабидан келиб чиқиб, турли ҳажмда ишлаб чиқарилмоқда. Гулқоғозларни ёпиштиришда қўлланиладиган елим ҳам шу корхона мутахассислари томонидан тайёрланмоқда.

Корхона раҳбарининг фикрига қараганда, Баркамол авлод йилида бу ерда яна бир янгилик яратилиши кутилмоқда.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Халқимизда «Оила — тарбия ўчоғи» деган ҳикмат бор.

Олий ўқув юртларида

ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИДА ОИЛАНING ЎРНИ

Дарҳақиқат, фарзандларимизнинг ақлан, руҳан ва ахлоқан соғлом бўлишида, уларни миллий урф-одатларимиз ва умминсоний қадриятларимиз асосида тарбиялашда оиланинг беқиёс ўрни ва аҳамияти бор.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида Тошкент Давлат шарқшунослик институти сиёсатшунослик факультетида «Ёш оиланинг турмуш маданияти» мавзусида ўтказилган давра суҳбатида ҳам шу тўғрида сўз борди.

Тадбирда институт профессор-ўқитувчилари, жамоат ташкилотлари вакиллари, талабалардан ташкил топган ёш оилалар, «Камолот» ЁИХ фаоллари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар юртимизда оила институтининг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш масаласига давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши сифатида қилиниб келиши асосида таъминлаш, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида ёш оилаларга ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, соғлом ва мустақам оилани қарор топтириш учун шарт-шароитлар яратиш борасида бир қатор вазифалар белгиланганлиги, бугунги кунда ёшлар ўртасида оилавий қадриятларни тарғиб қилиш муҳим аҳамият касб этиши таъкидлаб ўтилди.

Тадбирда талабалар қизиқтирган саволлари билан мутахассисларга мурожаат қилиб, батафсил жавоб олишга эришди.

И.ДИЛШОДОВ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Иштирокчилар орасида бир неча йилдан буён самарали фаолият юритиб келаётган компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва татбиқ этиш «Uzinfocom» марказини қайд этиш лозим. Ушбу марказ мутахассислари юртимиз фойдаланувчиларига илғор инфо-технологияларни жорий қилган ҳолда бизнес самарадорлиги, бошқарув даражаси ва рақобатбардошлигини ошириш, дунё миқёсига чиқишга кўмаклашмоқда. Ўтган вақт ичида корхона ва ташкилотлар, таълим муассасалари, хусусий тузилмалар учун кўплаб лойиҳалар амалга оширилди. Хусусан, ушбу фирма Ziyonet ижтимоий-маърифий тармоғи, www.uz миллий ахборот-қидирув тизимини ишлаб чиқиш ҳамда «UZ» миллий доменини бошқариш билан шуғулланади.

Кўргазмадаги «Bisoft Multimedia» компанияси сенсор киосклар учун комплекс ечимлар, лойиҳалаштириш ва хизмат кўрсатиш, жумладан, улар учун мўлжалланган махсус ускуналар — мониторлар, экранлар,

картридлар, купюроприёмниклар, принтерларни тақдир этишмоқда. Шунингдек, компания мутахассислари мижозларга «БИС» тизими асосидаги бухгалтерия омборхона ҳисоб-китоби учун дастурий таъминот ва

«Sarkor Solution» компанияси веб-сайтларни бошқариш бўйича дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш ва корпоратив порталларни амалиётга татбиқ этиш йўналишида фаолият кўрсатади. «Multisoft solutions» компанияси

ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТЛАР КЎРГАЗМАСИ

уй учун мўлжалланган «Ақлли уй» автоматика тизимини намойиш қилмоқда.

«Spells» компанияси 9 йилдан ортиқ вақт мобайнида ўзбек тили лингвистикаси, ўзбек-рус ва рус-ўзбек тилидаги таржима ҳамда изоҳли луғатлар, Microsoft Office дастурида имло қоидаларини текшириш дастури, трансляторлар, матнларнинг автомат таржимонларидан иборат дастурий таъминотни яратиш билан шуғулланиб келмоқда. «Spells» дастурий таъминотининг самарадорлиги мамлакатимиздаги 1500 дан ортиқ корхона ва ташкилотлар томонидан муносиб баҳоланган.

эса АКТ соҳасидаги инновацияларга ихтисослашган. Ушбу компания Ўзбекистонда илк бор «Paynet» электрон тўловлар тизими ва мамлакатимизда дастлабки саналган электрон рақамли имзо қилитларини рўйхатга олиш нодавлат маркази ҳамда «E-karmon» интернет-тўловлар тизимини ишлаб чиқди. Кўргазманинг бошқа иштирокчилари ҳам янада қизиқарли ишланмаларни намойиш этмоқда.

Кўргазма мобайнида семинарлар, анжуманлар, маҳорат сабоқлари, дастурлар тақдими, трансляцияси бўлиб ўтади, иштирокчилар соҳадаги илғор ютуқларни амалиётга жорий

(ЎЗА)

САНОАТ КООПЕРАЦИЯСИНING УЛКАН ИМКОНИАТЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Айни пайтда санаят ярмаркаларида катнашиш учун етакчи ишлаб чиқариш бирлашмаларининг корхоналари, кичик бизнес субъектлари ва хорижий ҳамкорлар жалб қилинмоқда. Улар ўз тендерларида турли маҳсулотлар, жумладан, экспорт қилинадиган маҳсулотларини ҳам намойиш этади.

Тадбир иштирокчилари ҳамда бу ерга ташриф буюрувчилар тармоқлар ва корхоналар тақдиротларида катнашиши, уларнинг техник ва технологик имкониятлари билан танишиб, ишлаб чиқариш соҳасидаги ютуқлар тўғрисида тажриба алмашиши мумкин. Ахборот ва тақдирот алмашишувиде янги маҳсулот турларини ўзлаштириш мақсадида кооперацион алоқалар ўрнатилди ва кенгайтирилди, ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашё ва материаллар, ишлаб чиқариш-техника эҳтиёжига зарур бутловчи ва тайёр буюмларни етказиб бериш бўйича шартномалар тузилди. Корхоналар санаят тармоқларининг талабларини инобатга олиб, бозорда харидоригир бўлган янги ишлаб чиқариш турлари ва маҳсулотларини ўзлаштиришда ривожланиш истиқболларини белгилаши, жорий йил якунига қадар ишлаб чиқаришни режалаштириб, буюртмалар қабул қилиш имконига эга бўлади.

Президентимиз Исрол Каримовнинг 2007 йил 12 ноябрда қабул қилинган «Ички тармоқ ва тармоқлараро санаят кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирларини тўғрисида»ги Фармонида кўра, Халқаро санаят ярмаркаси ва Кооперацион биржа доирасида маҳаллий субъектлар томонидан қайта ишланган хомашё ва материаллар, ишлаб чиқариш-техника эҳтиёжига зарур бутловчи ускуналарни сотиб олиш барча маҳаллий истеъмолчилар учун қўшимча тендерларсиз, тўғридан-тўғри келишувлар орқали амалга оширилади.

2010 йил октябрь ойи охирида Ўзэкспомарказ павильонларида Халқаро санаят ярмаркаси ва Кооперацион биржанинг иккинчи босқичи бўлиб ўтади. Ўзбекистон санаятчиларининг мазкур анжумани халқаро мақомага эга бўлиб, унда дунёнинг турли давлатларидан юзлаб хорижий фирма ва компаниялар вакиллари катнашади.

В.НИКОЛАЕВ

Ҳар томонлама камол топган авлодни тарбиялашда давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув адабиётлари такомиллаштирилиши, бугунги кун талаби нуқтаи назаридан қўриб чиқиши лозим. Бу ҳақда гапирар эканмиз, айни вақтда ўзбек тили фанини ўқитиш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқ керак. Халқимиз кўп миллатли халқ ҳисобланади, мамлакатимизда турли миллат вакиллари истиқомат қилади. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига йигирма йилдан кўп вақт бўлди. Шу давр мобайнида ўқув юртларида ўзбек тили юксак савияда ўқитилиб келинмоқда.

Рус гуруҳларида ўзбек тили фанини ўқитиш ўқитувчидан катта масъулият ва ижодий меҳнат талаб қилади, чунки ўқувчиларни ўзбек тилига бўлган қизиқиши ва муҳаббатини юқори, улар ўз она тилини ўрганиши билан бирга ўзбек тилини ҳам мукаммал ўрганишга эҳтиёж сезмоқда. Янги маълумки, хозирги кунда барча идораларда иш юритиш оила тилимизда амалга оширилмоқда. Айниқса давлат тилининг халқаро миқёсда ҳам фаол мулоқот воситасига айланиб бораётгани эътиборлидир.

Табиики, ўқувчилар ўзбек тилини ўзлаштириш жараёнида турли қийинчиликларга дуч келади. Хар бир тилининг ўз талаффузи меъёрлари, фарқлари ва ранг-баранг хусусиятлари бор. Бу эса ўқувчилардан чуқур билим талаб этади. Дарс давомида улар мустақил матн тузишга, фикр-мулоҳазалар билдиришга, ўртоқлашишга ҳаракат қилади. Русийзабон ёшларимиз Алишер Навоий, Бобур, Зулфияхоним, Абдулла Орипов шеърларини ёддан билади, адибларимизнинг ҳаёти ва ижодиёти билан қизиқади.

Ўқув жадвалидаги соатлар микдори бу фани дарс жараёнида тўлиқ ўзлаштириш имкониятини бермайди. Шунинг учун кўпинча ўқувчиларнинг мустақил ўрганишига ва ўзбек тили тўғрақларига катнашишга тўғри келади. Шу боис

Кейинги йилларда барча соҳаларда каби таълим-тарбия йўналишида ҳам ислохотлар амалга оширилди. Ўсиб келаятган авлоднинг ҳар томонлама камол топишини таъминлаш масаласи давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан биридир. Шу маънода мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан 2010 йил Баркамол авлод йили дея эълон қилиниши биз, педагоглар учун алоҳида аҳамият касб этади.

республикаимизнинг барча ўқув муассасаларида ўзбек тили тўғрақлари очилган. Бу мактабдан ташқари тузилмаларнинг биринчи гадаги вазифаси тилга қизиқиш ва муҳаббат

ри буюк бобокалонимиз Алишер Навоийнинг таваллуд кунига бағишланган кечда шоринг газалларидан, рубоий ва туоқларидан намуналар ёдлади. Ўқувчини ижодий фикрлашга ундаш, унинг ёзма нутқини ривожлантиришга эътибор қаратиш асосий вазифа

ҲАЁТ КЎЗГУСИ

уйғотишдан иборатдир, шу қаторида ўқувчиларни ўзбек тилида мустақил сўзлашга, фикрлашга ўргатиш ва тўғри талаффуз ҳамда имло қоидалари ҳақида билиш ва тушуنча беришидир.

Улуғ маърифатпарвар Маҳмудхўжа Бехудий ёш авлодларни бир тили эмас, тўрт тилини билишга даъват этган. Бир аср аввал билдирилган бу ҳикмат бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Буюк мутафаккирлардан бири Гёте айтганидек, хорижий тилини билмаган одам, она тилини ҳам мукамал била олмайди. Ўзга тилни қийслаб ўрганиш асосида киши ўз она тилининг ички қатламларини ҳам кашф қилиб бораверади.

Мен фаолият юритиб келаятган Сергели Санаят касб-хунари коллежида ҳам маънавият ва маърифат ишлари, кўплаб тадбирлар ажойиб тарзда йўлга қўйилган. Хусусан, «Она тилим жону дилим» мавзусидаги баддий кечада рус ва корей миллиятига мансуб ўқувчилар Хоразм лагисига рақсга тушиб, нафақат ўзбек тилини, балки миллий рақсларни ҳам мукамал ўрганишга ҳаракат қилаётганини кўрдик. Бундан ташқари, рус гуруҳла-

миз ҳисобланади. Ватанимизда яшаётган барча миллат вакиллари бизнинг урф-одатларимизга, миллий қадриятларимизга бефарқ эмас. Уларни тингласангиз ва суҳбатлашсангиз, бунга гувоҳ бўласиз. Ўзбек тили дарси жараёнида ўқувчилар Наврўз, миллий тўйларимиз, урф-одатларимиз ҳақида бир олам савол билан мурожаат этади. Уларга бу ҳақда тўлиқлиниб гапириб бериш ҳар бир инсонга хузуур бағишлайди. Бошқа миллат вакиллариининг она тилимизда раванг гапириши, айтган шеър ва қўшиқлари, ижро этган рақсларини кўриб, ўзбек тили жозибаси ва гўзаллигига яна бир бор амин бўласиз.

Айтмоқчиманки, ёшлар иштирокида кўплаб тадбирлар ўтказиш лозим, ўзбек тили тарғиботи фақат махсус кунларда эмас, балки йил давомида тилимиз маданияти ва тарғиботи бағишланган ҳафталиклар ташкил этилса, янада давлат тилининг ўрни ва аҳамияти юксалиб боришига хизмат қилган бўлади.

Дилафрўз БЕРДИЁРОВА, Сергели Санаят касб-хунари коллежи ўқитувчиси

Маҳалла — ота-онани



МЕҲР ОҚИБАТ МАСКАНИ

Маҳалла азал-азалдан қадр-қиммат, меҳр-оқибат маскани ҳисобланган. Бу ҳақда кимдан сўраманг, ҳар бири ўз маҳалласи билан фахрланиб, яхши ва оғир кунларида доимо ҳамроҳлигини, оиласидек қадрли эканлигини айтади.

Мустақиллик йилларида маҳаллага бўлган катта эътибор туфайли унинг янгидан-янги қирралари, имкониятлари очилиб, давлат ва жамият олдида нуфузи, мавқеи ҳам ортиб бормоқда. Замонавий гузарлар, обод кўчалар, гулларга бурканган боғлар аҳолининг ҳақли равишида гурури, шодлиғи қувончига омил бўлмоқда.

Собир Раҳимов туманидаги «Чигатой-оқтепа» маҳалласи ҳудудига кириб борганимизда, шу фикрлар нунглимиздан яна бир бор ўтди. Маҳалла гузаридида ташкил этилган фуқаролар йиғини раиси, хотин-қизлар комиссияси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, яраштирув комиссияси, профилактика таянч шохбачаси учун алоҳида хоналарнинг ҳар бирида иш жараёни кечаётганини кўрдик. Шу ернинг ўзида аҳолининг узогини яқин қилиш мақсадида новвойхона, сартарошхона, пойабзал тузатиш, гўзаллик саломи каби бир қатор маиший хизмат кўрсатиш шохбачалари ёнма-ён жойлаштирилиб, намунали хизмат кўрсатмоқда.

— Маҳалламизда 1260 та оила тинч-тотув яшаб келмоқда, — дейди бир гуруҳ фаоллар даврасида галдаги иш вазифалари билан ўртоқлашаётган фуқаролар йиғини раиси Хайрулла Мўминов. — Ёрдამга муҳтож, боқувчисини йўқотган, жисмоний имконияти чекланган, кўп фарзандли оилаларга, уруш ва меҳнат фахрийлари, бетобларга имконият даражасида моддий ва маънавий кўмак беришга, ҳар бир уйда хотиржамлик, тотувликка эришишга, ёшларимизни ишга, ўқишга ёки хунар ўрганишга кенг жалб этиб, бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун шароит яратишга ҳаракат қилиб келаётимиз. Албатта, ҳар бир иш фаоллар билан маслаҳатлашиб қилинади. Самара ҳақида гапирганда, маҳалламизда жиноятчилик, қонунбузилиш ҳолатлари кейинги йилларда аниқланмагани асос бўлса керак.

— Ҳамжиҳатлик бўлган жойда ҳар бир масала ва муаммога ечим топилади, — деди суҳбатда қўшилган ҳолда диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Мунира Асомова. — Маҳалламизда кўп

тадбирлар уюштирилади, Наврўз, Мустақиллик, ҳайит байрами кенг нишонланади. Долзарб мавзуларда мутахассислар иштирокида давра суҳбатлари ўтказиб келинади. Барча ташкилий ишларда фаолларимиздан Мўтабар Исоқова, Мунира Маҳкамова, Қоҳрамон Файзиев, посбонлар, кўча бошилари, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган фахрийларимиз яқиндан ёрдэм бериб келмоқда.

Катта-кичик билан суҳбатлашар эканмиз, маҳаллада кўплаб хайрли ишлар қилинаётгани ҳақида илқ фикрлар билдирилди. Бу ерда айниқса оилавий тадбиркорлик, касаначилик кенг йўлга қўйилганидан воқиф бўлдик. 261-мактаб спорт мажмуаси қурилишига яқиндан ёрдэм кўрсатилиб, ёшларни футбол, баскетбол, теннис билан шуғулланишига шароит яратилган. Утган йилнинг ўзида ҳашар йўли билан «Янги авлод» ҳамда «Набиражонлар» боғлари барпо этилган. Маҳалла ҳудуди бўйлаб мевали ва манзарали дарахтлар, анвойи гуллар экилиб, бутун атроф ободонлаштирилишига эришилган деса бўлади.

Оқсоқол куйинчак, ишбилармон, барча ишда бош бўлса, аҳолининг яхши-ёмон кунини елкадош бўлиб, ёнида айтганда, биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва кам бўлмаймишам. Гап фақат моддий кўринишларда эмас. Аждодларимизнинг битмас-туганмас мероси, ёшларимизнинг интеллектуал салоҳияти, жаҳон майдонларида эришаётган ютуқларимиз бунга яққол далилди. Шундай экан, обрў-эътибори қонунчилик ҳужжатларида тасдиғини тошган маҳалла институти замон билан ҳамнафас бўлиши керакми? Албатта, керак. Ҳали олдинда қанча ишлар турибди, ғайрат ва шижоат камарини белга боғлаганмиз. Ҳақиқатда ҳам, айтиб ўтилганидек, ахиллик, ҳамжиҳатлик бўлса, ниятларимиз албатта амалга ошади.

Дарҳақиқат, ҳамма гап яхшилик пойдеворини яратишда, бошланган хайрли ишларни давом эттиришда, шундагина маҳалла гуллаб-яшнайдими, ривож топади, том маънода ҳавас қилгулик масканга айланади.

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТДА: «Чигатой-оқтепа» маҳалласи фаолиятидан лавҳа

Кейинги йилларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими имкониятлари янада кенгайиб, аҳоли орасида ишонч ва мавқеи ортиб бормоқда.

Посбонлар фаолиятидан ТИНЧЛИК-ОСУДАЛИК — ШИОРИМИЗ

Маҳаллаларда ташкил этилган профилактика таянч шохбачалари тинчлик-осойишталикни сақлашга хизмат қилаётгани яхши маълум. Шайхонтоҳур туманидаги «Қамолон» маҳалласи посбонлар сардори Муҳаррам Холматов билан суҳбатлашув жараёнида бу тўғрида янада тўлиқ маълумотга эга бўлдик.

— Маҳалламизда 3800 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди М. Холматов. — 11 нафар посбон хонадонлар тинчлиги, вояга етмаганларнинг вақтини унумли ўтказишини таъминлаш, ноҳусу ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида фаолият олиб бормоқда. 344-профилактика таянч пункти инспекторлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатганмиз. Бундан ташқари, 10 та кўча бошилари ҳам биз билан доимо сергак бўлиб иш юритади. Қайси хонадонда ким яшайди, ким келиб ким кетаяпти — ҳаммаси эътиборимизда.

— Дарҳақиқат, маҳалламизда фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Султонов, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Маъсуда Маҳкамова ва фаоллар билан ҳамкорликда ва ҳамжиҳатликда иш олиб бораётганимиз туфайли кейинги йилларда қонунбузарликлар бўлмади, нотинч оилалар муросага келтирилиб, аҳримларнинг олди олинди. Эътиборлиси болажонларнинг кўнгли ярим бўлишига йўл қўйилмади, — давом эттирди суҳбатдошимиз. — Посбон эл нажоткори. Посбон аёл эса оилалардаги ҳолатни тезроқ тушуна олади, деб ўйлайман. Шунинг учун ҳам кимга мурожаат қилишни яхши билади. Имкон қадар уларни кўплаб-қувватлашга ҳаракат қиламиз. Қийинчилик дамлари ҳам бўлади, лекин аҳоли ишончини англаган саринг, ғайрат билан ишлайверасан. Айтмоқчиманки, маҳалла катта куч, ҳар биримиз ўз ишимизга масъулият билан ёндошсак, юртимиз бундан-да обод, ҳаётимиз фаровон бўлиб бораверади.

Шахло МУСЛИМОВА

ИБРАТ МАКТАБИ

Шайхонтоҳур туманидаги Маннон Уйғур номидаги маҳаллада уч авлод учрашуви уюштирилди.



Туман ҳокимлиги томонидан «Маҳалла» жамғармаси бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда уруш ва меҳнат фахрийлари, ёшлар иштирок этди. — Фахрийларимиз — ҳаёт мактаби, ибрат намунаси. Барчамиз уларнинг панд-насихатлари билан улғайдик, — деди маҳалла оқсоқоли Абдусаммад Ишмухамедов. — Бугунги тинч, осуда кунлар, она-Ватан озодлиги учун

жонини фидо этган мард ўғлонлар хотираси олдида ҳаммиз таъзимдамиз, улар ҳеч қачон унутилмайди. Ватанимиз тинчлиги ва осойишталиги қанчалик ардоқли, азиз эканини уруш йиллари ҳақида хотираларни эшитганимизда, янада теранроқ англаймиз. Шундай экан, тинчлик-тотувликни сақлашга ҳисса қўшган ҳолда уни кўз қорачиғидек асраб-авайлашимиз даркор. Тадбирда бир пиёла чай устида дилдан суҳбат қурилиб, кексалар ёшларга уруш хотираларини сўзлаб, бир сиким тупроқни кўзига суртиш насиб этмаган қуролдош дўстларини ёд этдилар. — Мен озод, гуллаб-яшнаётган юрда, фарзандларим, набираро эвараларим даврасида кексалик гаштини суриб яшайман, — деди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Назрулло ота Раҳматуллаев. — Уруш фахрийлари Турон Камолов, Азим Маҳаммаджонов, Ябир Камалиев ва Воҳид Обидовлар номидан биз учун кўрсатилаётган эътибор ва эъзоз учун аввало Юртбошимизга, халқимизга миннатдорчилик билдирмоқчиман. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, мустақиллигимиз абадий бўлсин.

Кўнглилар кўтарилиб, инсон азиз, хотира эса мангу эканлиги яна бир бор намён бўлган ушбу даврада фахрийларга эсдалик совғалари топширилди.

Шахризода МУҲСИМОВА СУРАТДА: маҳалладошлар давраси. Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар

Миллий ва маънавий қадриятларни эъзозлаш ва изчил тарғиб қилиш, халқимизнинг энг яхши удуш ва анъаналарини оммалаштириш, маҳаллаларда маданий-маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш мақсадида Президентимизнинг 1992 йил 12 сентябрдаги Фармонида мувофиқ ташкил этилган «Маҳалла» хайрия жамғармаси бугунги кунда ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириб, ривожланишига хизмат қилмоқда.

Жамғарма аҳоли ўртасида ўзаро ҳурмат ва инсонпарварлик, қўшничилик, меҳр-оқибат муносабатларини шакллантириб, тинчлик-осойишталикни сақлашга, ёшларни она-Ватанга садоқатли ва ватанпарвар этиб тарбиялашга ҳам ҳисса қўшиб келмоқда. Айниқса кам таъминланган, имконияти чекланган, ҳаёт тақозоси билан ёлғизланиб қолган, кекса, бетоб, бир сўз билан айтганда, кўмакка муҳтож бўлган инсонларга ёрдэм кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилган. — Кўни кеча шу азиз она юрт

Халқимизда «Маҳалла — Ватан ичра кичик бир ватан», «Отанг — маҳалла, онанг — маҳалла» деган ҳикматлар бежизга айтилмаган. Дарҳақиқат, маҳалла катта-кичикни, биринчи навбатда ёшларни ватанпарвар, элу юртига садоқатли, миллий анъана ва қадриятлар руҳида тарбиялаш ўчоғидир.

Жамғармаларда ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАДИ

учун жонини фидо этганлар хотирланиб, омон қайтган фахрийларимиз, фронт ортида меҳнат қилган отахону онахонларимиз давлатимиз, бутун халқимиз томонидан улугланди, — дейди жамғарма шаҳар бўлими масъул котиби Наврўз Мусаев. — Шаҳримиздаги 474 та маҳаллада шу мақсадда турли тадбирлар уюштирилиб, 1464 нафар уруш фахрийлари моддий ва маънавий рағбатлантирилди, уларга меҳр ва

эътибор кўрсатилди. Бетоблар ёшлар бошчилигида уйларида йўқланиб, совға-саломлар улашилди. Шу тарзда Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ҳеч ким ёлғиз ва эътиборсиз қолмади. Инсон азиз, хотира муқаддас. Она-Ватан озодлиги, тинчлиги ва ободлиги йўлида қурбон бўлганлар номи ҳеч қачон унутилмайди.

Шоҳида МАҲСУМОВА

Таълим

ЭНГ БИЛИМДОН БИТИРУВЧИ

Миробод туманидаги 125-мактабда 9-синф ўқувчилари ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Энг билимдон битирувчи-2010» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Халқ таълими бошқармаси услубий маркази томонидан ташкил этилган танловда Республика таълим маркази ходимлари, барча тумандаги халқ таълими бўлимларининг она тили ва адабиёт, тарих-ҳуқуқ ва миллий ғоя туркумига кирувчи фан услубчилари, «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси-2010» кўрик-танлови голиблари, «Ёш педагоглар» мактаби аъзолари иштирок этди.

Ёш авлодни ҳар тамонлама етук шахс қилиб тарбиялашда таълим муассасалари ва ўқитувчиларнинг ўрни беқийс. Бугунги кунда мамлакатимизда малакали ёшларни тарбиялаш, ижодкор, ташаббускор ва изланувчан ўқувчиларни аниқлаш ва уларнинг қобилиятини рағбатлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Танловнинг туман босқичида голибликни қўлга киритган ўқувчилар она тили ва адабиёт, тарих-ҳуқуқ ва миллий ғоя туркумига кирувчи фанлардан билимларини синовдан ўтказди.

— Бу танловда голибликни қўлга киритиш анчайин машаққатли, — дейди «Туркистон-пресс» муҳбирига Халқ таълими бошқармаси она тили ва адабиёт фани услубчиси Замира Азимбоева. — Битирувчи голиб бўлиши учун мактабда ўтиладиган барча фанларни ўзлаштириш баробарида бугунги кунда мамлакатимиз ва хоризда содир бўлаётган турли воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлиши, Юртбошимизнинг янги рисоалари ва маърузаларининг мазмун-моҳиятини теран англай олиши керак. Шу билан бирга маълум бир соҳага йўналтирилган иқтидорга эга бўлиши лозим.

Танлов давомида битирувчилар ўқишга кириш учун танлаган касб-хунар коллежи ва академик лицейларнинг бугунги кундаги фаолияти доирасида савол-жавоблардан ўтиб, қизиққан турли касб-хунар сирлари бўйича ҳам беллашди.

Танловда олий ўрин ва «Энг билимдон битирувчи» номини Бектемир туманидаги 293-мактаб ўқувчиси Санжар Байдуллаев қўлга киритди. Яққасарой туманидаги 144-мактаб ўқувчиси Аббос Махаматов ва Сергели туманидаги 104-мактаб битирувчиси Бахтиёр Худайбердиев иккинчи, Юнусобод туманининг 51-мактаб битирувчиси Яйра Султонова ва Ҳамза тумани 152-мактаб ўқувчиси Гулноза Тонволдиева учинчи ўринга муносиб топилди.

Азима ҚИЁСОВА

ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Собир Раҳимов туманидаги 219-мактабда истеъдодли, ижодкор ўқувчилардан ташкил топган «Ёш тадқиқотчилар мактаби» аъзолари илмий ишларининг тақдироти ўтказилди, деб хабар беради «Туркистон-пресс».

Унда Республика таълим маркази ходимлари, Ўзбекистон Миллий университети, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ва Тошкент давлат шарқшунослик институти профессор-ўқитувчилари, «Ёш педагоглар» мактаби етакчилари қатнашди.

Иқтидорли, изланувчан, ижодкор ва ташаббускор ўқувчиларни аниқлаш, уларнинг иқтидорини намён этиши учун кўплаб имкониятлар яратилмоқда. «Ёш тадқиқотчилар мактаби» ҳам айнан шу мақсадга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир. Тадбирда мазкур мактаб тингловчилари илк ишларини ҳимоя қилишди. Бекзод Умаров, Мавлуда Собиева, Бекзод Нуриллаев, Нилуфар Зияева каби ўқувчиларнинг турли мавзудаги ишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

— Тақдимотда «Тенгламаларнинг ўзига хос хоссалари» мавзусидаги илмий ишнинг ҳимоя қилдим, — деди 278-мактаб ўқувчиси Музаффар Муродов. — Бунда менга устозим Мақсад Аҳмедов катта ёрдэм берди. Изланишларимни келгусида ҳам давом эттириб, янада катта натижаларга эришишни, жаҳон олимпиадаларида мамлакатимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишни мақсад қилдим.

Тақдимот сўнида илмий ишларини муваффақиятли ҳимоя қилган битирувчиларга ҳомийлар томонидан махсус диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Ақбар ЖИЯНОВ

Инсон тафаккури мўъжизаларидан бири, шубҳасиз, китобдир. Китоб ақлни чарклайди, фикрни бойитади, маънавиятни юксалтиради. У ҳар бир инсоннинг онг ва шуурига бевосита таъсир этади, бинобарин, болалар қалбига ватанга муҳаббат, юртва садоқат, одамларга меҳр-оқибат туйғуларини камол топтиришнинг энг самарали воситаси ҳам китоб саналади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришилгандан сўнг Президентимиз томонидан болалар адабиётини ривожлантириш, ўқув адабиётлари ва дарсликларнинг савиясини кўтаришга жиддий эътибор қаратиб келинмоқда.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги тизимида болаларни китобхонликка ўргатиш, ижодий фаолиятга жалб этиш орқали уларни билимли, юксак маънавиятли шахс сифатида шакллантиришга йўналтирилган тadbирлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, болаларнинг баҳорги таътил кунларида «Болалар ва ўсмирлар китоб ҳафталиги», болалар ёзувчилари ва шoirларнинг таваллуд кунлари муносабати билан ўтказиладиган анжуманлар, ташкил этиладиган болалар ёзувчи-шoirлари асарларидан иборат кўргазмалар, янги китоблар тақдироти каби оммавий тadbирлар мактаб ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Ҳар йили республика миқёсида «Китобсеварлар», «Йилнинг энг яхши китобхони», «Жаҳон халқ озаки ижоди билангилари», «Дарсликка - узоқ умр» каби кўриктанловлар ўтказиб келинмоқда. Бундай тadbирлар мактаб кутубхоналари, ахборот-ресурс марказлари ўрнини эгаллашга ҳақлиқ муҳитни юзага келтиришда муҳим восита бўлмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан тўрт йилдан буюн ноябрь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва

ўрта махсус таълим вазирликлари, «Ўзбекистон» давлат акциядорлик компанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда Тошкент ва Нукус шаҳарлари, барча вилоят марказ-

бўлса, 2009 йилда бу кўрсаткич 332 номда 5000 дан зиёд нусхани ташкил этди.

2009 йил давомида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги нашриётлари томонидан ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, илмий-оммабоп ва бошқа мавзуларга

КИТОБХОНЛАРГА ЮКСАК ЭЪТИБОР

ларида умумтаълим мактаблари учун кейинги ўқув йилига мўлжалланган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларнинг ихтисослаштирилган кўргазма-ярмаркалари ўтказилиб келинмоқда. Унда «Ўзбекистон», «Ўқувчи», Чўлпон ва Фафур Фулом номлидаги нашриёт-матбаа ижодий уйлари, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти ва бошқа матбаа муассасалари дарслик, ўқув қўлланма, маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий, бадий адабиётлар билан, «Гулхан», «Ғунча» журналлари, «Тонг юлдузи» ва «Класс» газеталари ўз нашрлари билан иштирок этмоқда.

2008 йилда мазкур кўргазмалар доирасида жами 220 номда, 3000 дан зиёд матбаа маҳсулотлари кўргазмага қўйилган

доир 245 номдаги адабиётлар нашр этилган бўлса, уларнинг аксарияти болаларга мўлжалланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан 2009 йил 17 декабрда «Болалар ва ўқувчи ёшларнинг китоб ўқишини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришнинг 2010-2012 йилларга мўлжалланган дастури» ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Ҳар йили мактаб кутубхоналаридаги китоб фондиди тўлдирish мақсадида «Мактаб - кутубхона - оила - жамоат ташкилотлари» хайрия тadbирини ўтказиб келинмоқда.

2009 йилда ўтказилган ана шундай тadbирда маҳаллалар ва ҳрмий ташкилотлар кўмагида мактаб кутубхоналарига, ахборот-ресурс марказларига салкам 1 миллиард

сўмлик бадий адабиётлар совға қилинди. Республика буйича 2008-2009 ўқув йилида таълим тизимидаги кутубхоналарнинг китоб фонди 26 миллион 388 минг 705 нусхани ташкил этиб, 6 миллион 587 минг 416 нафар болажонлар ҳамда ўқувчи-ёшларга хизмат кўрсатган бўлса, 2009-2010 ўқув йилида таълим тизимидаги кутубхоналарнинг китоб фонди 28 миллион 496 минг 607 нусхани, ёш китобхонлар сони эса 7 миллион 879 минг 78 нафарни ташкил этди.

Шунингдек, бугунги кунда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 январдаги «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарори ҳамда «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган чора-тadbирлар ижрал амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2010-2015 йилларда болалар ва ўсмирларни ҳар томонлама камол топтириш ва тарбиялашга йўналтирилган босма маҳсулотларини нашр этиш дастури тўғрисида»ги қарори ва «2010-2012 йилларда болалар ва ўсмирларни ҳар томонлама камол топтириш ва тарбиялашга йўналтирилган асарлари, ўзбек халқининг буюк мутафаккирлари, аждодларимизнинг маънавий жасорати, қаҳрамонликлари тўғрисидаги босма маҳсулотларини лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосида китоб ва электрон шаклларда нашр этиш дастури» лойиҳаси тайёрланмоқда.

Қарор ва дастурда юксак маънавиятли авлодни шакллантиришга кўмаклашишдан иборат аниқ вазифалар белгиланган. Шу мақсадларда ёшларроп расмий китоб-альбомлар, каталоглар, махсус энциклопедия нашрларини чоп этиш режалаштирилган.

«Жаҳон» АА



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ



Ҳикмат осмондан ёғилмайди. Шеър ерда унмайди. Елкасида юки бор сатрлар кўнгил кўзидан шабнам каби томчи-томчи сизиб чиқади. Қолаверса, байтлардаги ҳикматлар умринг йўлидан топган гулларинг, умринг йўлидан ёнган чироқлар, аини пайтад, оғриқлар, армонлар...

Назаримда шоирга шеър ҳақида гапириш шеър ёзишдек мароқли эмас. Чунки шеър — кўнгил мулки. Янаям оддийроқ айтилса, шеър сатрларида юз очган шоир кўнгил, юраги. Кўнгилга ҳам, юракка ҳам қўл теккизиб бўлмайди. Юрак ҳақида соатлаб гапириш, таллай ташбехлар тизиш мумкин. Аммо қонли юракни кўриш ҳеч кимга завқ бағишламайди. Демокчиманки, шоир шеър ҳақида кам гапириб, дарди бўлса кўпроқ ёзиши керак.

Яна бир гап. Қарқуноқ ҳам, булбул ҳам ўз тилида куйлайди. Кимдир ким учун бир бўйра ерни чопиб қўйиши, озгина лойни қориб бериши, бир туп ниҳолни экиб қўйиши ҳам мумкин. Аммо шеърят боғига шунчаки кўнгил билан кириб бўлмайди. Булбул ҳар бир гулнинг ўзи мафтун, ўзи асир этади.

Киши кўнгил мулкини дили тортган одамларга илинади. Менинг қувончим, менинг орзую армоним, менинг туғёнларим бўлиб тўкилган «Иккиликлар» аталган бу байтларимни мени камолга етказган, қалб кўзимни очган, илму ҳикматга ошно қилган, кўнча Шош аҳли, «Тошкент оқшоми» ўқувчиларига илингим келди.

Маҳмуд ТОИР, Ўзбекистон халқ шоири

ИККИЛИКЛАР

Ёмғир ёғар эди қорнинг устига, Миннат қилингандек дўсти-дўстига.

Ўғил дилнинг ори бўлади, Қиз соғинчининг зори бўлади.

Бахт боқмаса бақира кўрма, Сен кулфатни чақира кўрма.

Тошдан қаттиқ одам борми, бор, Ҳатто ундан тош ҳам қилар ор.

Ҳикмат айтиб эл толғон эмас, Ҳар афсона бир ёлғон эмас.

Ширин сўзи шакар эмас, Аччиқ сўзи заҳар эмас.

(Давоми бор)

Юнусобод туманидаги 1-сонли кечки таълим мактаби томонидан 1995 йилда Мадалиева Мухайё Одилжоновна номига берилган № АО 012498 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармаси жамоаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг ўринбосари Рўздат Сафаевич Сафаевга волидаи муҳтарамаси БИБИЖОН аянинг вафоти муносабати билан чукур таъзия изҳор этади.



Мустақиллик йилларида жисмонан ва маънан соғлом авлодни вояга етказишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиши замирида келажак учун ғамхўрлик мужассам.

2010 йил — Баркамол авлод йили

ЁШ ФУТБОЛЧИЛАР КУЧ СИНАШДИ

Кунни кеча Шайхонтоҳур туманидаги «Камолон» маҳалласи стадионида 12-13 ёшли ўсмирлар ўртасида футбол бўйича мусобақа ўтказилди. Юнусобод, Яққасарой, Чилонзор, Шайхонтоҳур ва Миробод туманлари ёш спортчиларидан таркиб топган сақизта команда иштирокидаги ушбу турнир янги-янги футбол юлдузларини кашф этишга ҳисса қўшса, ажаб эмас. — Халқимизда «бола бошидан» деган ибратли нақл бор, — дейди «Камолон» маҳалласи фукарлар йигини раиси Бахтиёр Султонов. — Бола аввало тарбияни оиладан олади. Демак, ҳар томон-

лама соғлом авлодни вояга етказиш учун ҳар бир оилага спортнинг кириб боришига эришиш керак. Шундан келиб чиққан ҳолда маҳалламизда катталарнинг ҳам, болалар, ўсмир ёшларнинг ҳам спорт билан мунтазам шуғулланиши учун етарли шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратаётимиз. Маҳаллама фарзандлари 34-, 84-мактабларда теннис, миллий кураш, каратэ билан, маҳалламиз стадионида футбол, баскетбол, волейбол, шахмат-шашка билан шуғулланади. Баркамол авлод йилида маҳаллада оилавий спортни ривожлантириш,

ёшларни айниқса ёзги таътил кунларида мазмунли дам олишини таъминлаш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда туркум кўчма спорт мусобақалари ташкил этишни режалаштирганмиз. «Жисмоний баркамоллик гўзаллик рамзи», «Отам, онам ва мен — спортчи оиламиз» шiori остида ўтадиган мусобақалар самарасини янада ошириш борасида чоратadbирлар белгилан олди. «Футболимиз келажак» мусобақасига катта тайёргарлик кўрилмоқда. Бундан ташқари, «Янги Камолон», «Янгиобод», «Катта боғ» ва

«Эшонгузар» маҳаллалари билан ҳамкорликда турли мусобақалар уюштирилиши ҳам аънамага айланиб бормоқда. Бўлиб ўтган футбол мусобақаси натижалари ҳақида гапирадиган бўлсак, Яққасарой тумани жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, диплом ва совғалар билан тақдирланди. Қолган иштирокчилар ҳам рағбатлантирувчи мукофотларга эга бўлди.

Шахло МАҲКАМОВА СУРАТЛАРДА: «Камолон» маҳалласида бўлиб ўтган мусобақадан лавҳалар
Козим Ўлмасов олган суратлар

ТОШКЕНТ БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ЧОРРАҲАСИДА

«Туркистон-пресс» хабарига кўра, пойтахтимизда шу мавзуда илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Тadbирда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши вакиллари, музейлар ходимлари, олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари ва талабалар иштирок этди.

Ўтган йиллар мобайнида халқимизнинг беизбир маънавий-маданий ҳазинасини тиклаш, бойитиш йўлида мислсиз ишлар амалга оширилди. Ёш авлодни истиқлол гоёсига муҳаббат руҳида тарбиялаш, тарихимизни ўрганишга, ушбу йўналишда музейлар фаолиятига алоҳида эътибор қаратилаётди. Музейларни ҳақиқий маънода халқимиз маънавиятини ёрқин акс эттирувчи маърифат масканларига айлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар эътиборга моликдир.

Мамлакатимизда илк бора қозонинг кашф этилиши билан дастлаб Буюк Ипак йўлида жойлашган Осиеь ва Европа йўналишидаги давлатлар, кейинчалик эса бутун дунёда чорва молларининг оммавий сўйлишига барҳам берилди. Уша даврда ёзилган китоблар учун мол териси ашё вазифасини ўтаган. Айнан ана шундай топилмалару, халқимизнинг маданий-маънавий меросини келгуси авлодга етказиш, уларни авайлаб-асрашда музейлар жонли тарих сифатида кўприк вазифасини ўтайди.

Анжуманда эътироф этилганидек, мустақиллик йилларида музейлар фаолиятига алоҳида эътибор берилди. Аини пайтад республикамизда мингдан ортик ана шундай масканларнинг экспозициялари қайта шакллантирилди.

Тadbирда экспонатларида жонли тарих сўзлаётган музейларнинг ёшлар камолотидаги ўрни, уларда ахборот технологияларнинг қўлланилиши, Буюк Ипак йўлининг қадим ўлмишдаги аҳамияти сингари мавзуларда мавзулар тингланди.

Сурайё МЕЛИҚУЛОВА

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тузатиш: 2010 йил 10 апрелдаги 28-сонли «Тошкент ҳақиқати» ва 2010 йил 9 апрелдаги 68-сонли «Тошкент оқшоми» газетасида эълонга берилган тақрорий аукцион савдоси 2010 йил 26 май кунини ўрнига 2010 йил 1 июнь кунини деб ўқилсин. «Тошкент оқшоми»нинг 2010 йил 3 апрелдаги 84-сонли ва «Ишонч» газеталарининг 4 апрелдаги 53-сонларида эълонга берилган дав.белгиси 01U757 АА бўлган «Хундай Аванте», дав.белгиси 10 N 7707 бўлган «Шевролет Эпика», дав.белгиси 30 T 7272 бўлган «Ласетти» автотранспорт воситалари аукцион савдоларидан олинди. Асос: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани СИБ-нинг 2010 йил 6 майдаги 12-26-сонли хати.
Лицензия: DB 001 №000003

Собир Раҳимов тумани, Фаробий кўчасида яшовчи фуқаро Ҳабибулло Яхёевни биланлар, ишбилармонликда тенги йўқ дейишди, аммо унинг барча ишлари ҳам ҳавас қилишга арзиғулик эмас. Тўғрироғи, қинғир ишни қилиб кўяди-да, кейин афсус чекиб юради.

Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ ва валютга оид жиноятлар, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш (СВОЖДЛК) Департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан ўтказилган тadbирда 1979 йилда туғилган Ҳабибулло Яхёевнинг қилмиши фош этилди. У Баҳромжон Атабаев билан олдиндан жиноий тил бириктириб, жуда кўп миқдордаги савдо тушумларини яширишда айбланди.

Ҳабибулло Яхёев ва Баҳромжон Атабаев ҳеч қандай ҳужжатларсиз чет элда ишлаб чиқарилган юмшоқ мебель маҳсулотларини қонунга хилоф равишда сотишга ҳаракат қилган. Аввалига ҳужжатсиз маҳсулотларга харидор қидиришди. Лекин харидор деганлари топилмагач, таниш-билишлар ишга

ҚИНҒИР ИШНИНГ ОҚИБАТИ

Ҳабибулло мебелларига харидор қидирди. Дўсти Баҳромжонни шерик қилиб, икковлон ҳужжати йўқ маҳсулотларни сотиб фойда кўришмоқчи бўлишди. Аммо харидор ҳадеганда топилавермади. Ниҳоят...

солинди. Р.Эшмуродов Ҳабибулло ва Баҳромжонларга тегишли 46 дона креслони 8 миллион сўмга сотиб олишга рози бўлди. Келишилган кун ва келишилган вақтда Миробод туманидаги кўчалардан бирида учрашган янги ҳамкорлар савдони бошлаб юборишди. Аввалига Р.Эшмуродов маҳсулот қийматига тенг 3500 АҚШ доллари ва 1 миллион сўмни санаб берди. Бунга жавобан харидорга бир йил олдин фаолият тўхтатилган «Ехро Fashion» МЧЖга тегишли 37284 рақамли назорат-қасса машинаси ёрдамида 13.310.000 сўмлик сохта чек уриб берилди. Аммо

яхшигина даромад қилишни мақсад қилган қонунбузарлар Ҳабибулло Яхёев ва Баҳромжон Атабаевнинг жиноий қилмиши яқунланмай қолди. Улар воқеа жойида далилий ашёлар билан қўлга олинди.

Қонунбузарларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 189-моддаси 2-қисми «б» банди ва 3-қисми билан жиноят иши кўзғатилди.
Шавкатжон ТУРДИМОВ, Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛК Департаменти Миробод тумани катта инспектори

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзилмиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кўнлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3886 нусхада босилади. Қоғоз беҳиман А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамитига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
БИБИЖОН аянинг вафоти муносабати билан чукур таъзия изҳор этади.